

Туманимизда тиббиёт ходимлари куни кенг нишонланди



Бугун 11-ноябр куни Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари куни муносабати билан Қумқўрғон туманида байрам тадбири ўтказилди.

Маълумки анъанага кўра ҳар йили мамлакатимизда ноябр ойининг иккинчи якшанбасида тиббиёт ходимлари куни нишонланади. Касб байрамларини доимо катта ютуқлар билан кутиб олишга одатланган саломатлик посбонлари 12-ноябр “Тиббиёт ходимлари куни” муносабати билан Қумқўрғон тумани ҳокимлиги мажлислар залида муносиб тақдирландилар.

Қумқўрғон туман ҳокими А.Нормаматов “Тиббиёт ходимлари куни” муносабати билан тумандаги барча тиббиёт ходимларини касб байрами билан табриклади.

Байрам муносабати билан, ўзининг фидокорона меҳнати билан эл ҳурматига сазовор бўлган бир гуруҳ тиббиёт ходимлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.